

КОРХОНАНИНГ МЕҲНАТ САЛОҲИЯТИНИ БАҲОЛАШНИНГ
КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА УСЛУБЛАРИ

Юлдашева Зулфия Ибрагимовна

ЎзМУ, I-босқич магистранти

Аннотация: Мақолада корхона меҳнат салоҳиятининг жорий ҳолатини аниқлаш, жумладан, унинг нисбий устунликларини баҳолаш амалиёти таҳлил қилиниб, уни такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: корхона, меҳнат салоҳияти, меҳнат, натурал меҳнат салоҳияти, меҳнат салоҳияти қиймати, ишчи кучи, ишчи кучи сифати

ПОКАЗАТЕЛИ И МЕТОДЫ ОЦЕНКИ ТРУДОВОГО ПОТЕНЦИАЛА ПРЕДПРИЯТИЯ

Юлдашева З.И.

Аннотация: В статье анализируется практика определения текущего состояния трудового потенциала предприятия, в том числе оценка его относительных преимуществ, и вырабатываются научное предложение и практические рекомендации по его совершенствованию.

Ключевые слова: предприятие, трудовой потенциал, рабочая сила, природный трудовой потенциал, величина трудового потенциала, рабочая сила, качество рабочей силы.

INDICATORS AND METHODS FOR ASSESSING THE LABOR POTENTIAL OF AN
ENTERPRISE


Yuldasheva Z.I

Annotation: The article analyzes the practice of determining the current state of the labor potential of an enterprise, including an assessment of its relative advantages, and develops a scientific proposal and practical recommendations for its improvement.

Key words: enterprise, labor potential, labor force, natural labor potential, labor potential value, labor force, labor force quality.

Меҳнат салоҳиятини баҳолашда аввало меҳнат салоҳияти иқтисодий категориясининг туб моҳиятини тушуниб етиш лозим бўлади. Меҳнат салоҳияти тушунчасига жамият нуқтаи-назаридан баҳо берадиган бўлсак, унинг мазмуни битта ҳодим меҳнат салоҳиятидан фарқ қилади, чунки меҳнат жараёнида ҳамisha битта ҳодим эмас, балки, бир нечта ҳодимдан ташкил топган меҳнат жамоалари иштирок этадилар. Бу эса жамият миқёсигача кўтарилади. Шундай қилиб, ушбу тушунчага жамият нуқтаи-назаридан қуйидагича таъриф бериш мумкин бўлади: “меҳнат салоҳияти – бу бирор кўзда тутилган ишни (фаолиятни) маълум бир вақтда бажаришга қодир бўлган турли малакага эна барча ишчи ва хизматчилар мажмуасидир. Таҳлил қилиш учун уни натурал ва қиймат кўрсаткичларида ифодалаш мумкин. Бу унинг таркибида намоён бўлади”¹³⁸.

Меҳнат салоҳияти таркибини натурал ва қиймат жиҳатидан ифодалаш мумкин. Натурал жиҳатдан унинг таркибига олий маълумотли ҳодимлар, ўрта-махсус маълумотли ҳодимлар, умумий ўрта маълумотли ҳодимлар, тўлиқсиз ўрта маълумотли ҳодимлар (бошланғич маълумотга эга бўлган ҳодимлар ҳам шулар жумласидандир) киради (1-расмга қаранг).



1-расм. Меҳнат салоҳиятининг натурал жиҳатдан таркиби¹³⁹

Ҳар бир гуруҳ ҳодимлар ўз навбатида мутахассисликлари бўйича ҳам гуруҳланади. Чунки барча олий маълумотли ҳодимларга бир хил

¹³⁸ Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил: (Ўқув қўлланма): 2-қисм. – Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқук дунёси” нашриёт уйи, 2001. – 256 б.

¹³⁹ Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил: (Ўқув қўлланма): 2-қисм. – Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқук дунёси” нашриёт уйи, 2001. – 256 б. маълумотлари асосида тузилган

талаб қўйиб уларнинг ҳар биридан бир хил самара кутиб бўлмайди. Масалан, агроном керак бўлган иш ўрнига юқори малакали математика ўқитувчисини ишга ёлласангиз, математика ўқитувчисининг бқори малакасидан ҳеч қандай наф бўлмайди. Шу сабабли ҳам ҳар бир гуруҳ ҳодимларнинг бажараётган ишига уларнинг касбий малакалари тўғри келиши лозим бўлади.

Бундай ҳолат замонавий бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида жамият учун ҳам, мулкдор учун ҳам, ишчи кучи эгаси ҳисобланган инсонлар учун ҳам муҳимдир. Ишчи кучи эгаси маълум бир иш ўрнида ўз касбий малакасига тўғри келадиган ишни бажаради, уни такомиллаштиради ва ноёб мутахассисга айланиб боради. Мулкдор учун унинг қулайлиги шундаки, у бундай ҳодимларни ишлатиб самарали ва сифатли кўрсаткичларга эришади ва тўлаган иш ҳақи бесамар кетмайди. Жамият учун эса ушбу ҳолатнинг фойдали жиҳати биринчидан, мулкдорнинг мулки, ишчи кучининг даромади кўпайиб бориши билан биргаликда ҳар иккала жамият аъзолари томонидан тўланадиган солиқ миқдори ҳажмининг мос равишда ошиб боришида; иккинчидан эса, жамиятда сифатли маҳсулот (хизмат) ҳажмининг ортиши, бозорнинг тўйиниши ва аҳоли турмуш фаровонлигини ортишида ўз аксини топади.

Шундай қилиб, меҳнат салоҳияти ҳар бир гуруҳнинг маълум даражада яна қайтадан кичик гуруҳларга бўлиниши билан аҳамиятли ҳисобланади. Худди шундай ҳолатда бошқа гуруҳларга ҳам ёндашиш мумкин бўлади. Корхонанинг меҳнат салоҳиятини турли гуруҳлари ҳақидаги маълумотлар юқоридаги 3-расмда келтириб ўтилган.

Меҳнат салоҳияти таркибини иқтисодий моҳиятини тўғри ёритиш учун меҳнат ресурслари ва ҳодимлар сони каби тушунчаларга аниқлик киритиш талаб этилади.

Меҳнат ресурслари дейилганда, корхонада банд бўлган меҳнатга лаёқатли ёшдаги (амалдаги қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикасида меҳнатга лаёқатли ёшдаги эркеклар 16-60 йшни, аёллар эса 16-54 ёш этиб белгиланган) ишчи ва хизматчилар тушунилади.¹⁴⁰

¹⁴⁰ Абдурахмонов Қ.Х. Ўзбекистонда инсон омили ва манфаатлари – энг олий кадрит. – Т.: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2017 . – 364 б.

Корхона меҳнат ресурслари асосан натурал кўрсаткич орқали, яъни ҳодимлар сонида ифодаланади. Бунинг учун қуйидаги (1) формуладан фойдаланиш мумкин бўлади:¹⁴¹

$$Mr = I + M_{TX} + X_Z + B_X \quad (1)$$

Бу ерда:

Mr – меҳнат ресурслари сони;

I – ишчилар сони;

M_{TX} – муҳандис-техник ҳодимлар;

X_Z – хизматчилар;

B_X – бошқарув ҳодимлари сони.

Бунда шуни инобатга олиш лозимки, барча кўрсаткичлар таркибида пенсионерлар ва ўсмирлар инобатга олинмайди. Бошқа сўз билан айтганда, фақатгина меҳнат лаёқати ёшидаги корхона персонали сонига асосланилади.

Юқорида таъкидланганидек, ҳодимлар сони меҳнат ресурсларидан миқдори ва мазмуни жиҳатидан ўзаро фарқланади ва унга қуйидагича таъриф бериш мумкин бўлади: “ҳодимлар сони – корхонада банд бўлган (ёшидан қатъий назар) барча ишчи ва хизматчилар йиғиндисини ўзида ифодаловчи кўрсаткич ҳисобланади.”¹⁴² Иқтисодий таҳлил фанида ҳодимлар сони ҳам меҳнат ресурслари каби натурал кўрсаткич орқали аниқланади ва бунда қуйидаги (2) формуладан фойдаланилади:¹⁴³

$$X = (I + M_{TX} + X_Z + B_X) + (P + U) \quad (2)$$

Бу ерда:

X – ҳодимлар сони;

I – ишчилар сони;

M_{TX} – муҳандис-техник ҳодимлар;

X_Z – хизматчилар;

B_X – бошқарув ҳодимлари сони;

P – корхонада ишлаётган пенсия ёшидаги ёлланма ишчилар сони;

U – меҳнат лаёқатидан кичик ёшдаги корхонада ишлаётган ишчилар сони.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, корхонанинг меҳнат ресурслари ва корхона ҳодимлари сони ўзаро фарқ қилиши мумкин бўлади. Ушбу

¹⁴¹ Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил: (Ўқув қўлланма): 2-қисм. – Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқук дунёси” нашриёт уйи, 2001. – 256 б

¹⁴² Имомов В.А. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ аҳолиси меҳнат потенциалидан самарали фойдаланиш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражаси олиш учун дисс. – Т.: ЎзРФА Иқтисодиёт институти, 2009. – 155 б.

¹⁴³ Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил: (Ўқув қўлланма): 2-қисм. – Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқук дунёси” нашриёт уйи, 2001. – 256 б

фарқланиш корхонада ишлаётган пенсионерлар ва ўсмирлар ҳисобига намоён бўлади.

Ушбу тушунчаларнинг амалиётда қўлланилишини кўриш учун уларнинг ҳар бирини аниқлаш йўллари маълумотлар асосида ҳисоблаш чиқиш мақсадга мувофиқдир. Корхонанинг меҳнат салоҳиятига оид кўрсаткичларни аниқлаш учун қуйидаги мисолни келтириб ўтамиз:

Фараз қиламиз, бир корхонада 1-жадвалда келтирилган таркибга эга персонал фаолият кўрсатади:

1-жадвал

Корхона персонали таркиби тўғрисидаги маълумот

№	Корхона персонали	Сони
1	Олий маълумотли ҳодимлар	18
2	Олий маълумотли пенсия ёшидаги ҳодимлар	3
3	Ўрта махсус маълумотли ҳодимлар	27
4	Ўрта махсус маълумотли пенсия ёшидаги ҳодимлар	4
5	Ўрта маълумотли ҳодимлар	38
6	Ўрта маълумотли пенсия ёшидаги ва меҳнат лаёқати ёшидан кичик ёшдаги ҳодимлар	12
7	Тўлиқсиз ўрта маълумотли ҳодимлар	18
8	Тўлиқсиз ўрта маълумотли пенсия ёшидаги ва меҳнат лаёқати ёшидан кичик ёшдаги ҳодимлар	1
	Жами	121

1-жадвалда келтирилган маълумотларга асосланган ҳолда, корхонанинг меҳнат салоҳиятига оид кўрсаткичларни қуйидаги тартибда аниқлаш мумкин бўлади:

А) Корхонанинг меҳнат ресурслари сони 101 кишига тенг:

$$18+27+38+18=101;$$

В) Корхонанинг ҳодимлари сони 121 кишига тенг:

$$18+3+27+4+38+12+18+1=121;$$

С) Корхонада ишлаётган пенсионерлар ва меҳнат лаёқатидан кичик ёшдаги ишчилар сони 20 кишига тенг:

$$3+4+12+1=20$$

Юқоридаги маълумотларга асосланган ҳолда корхонанинг меҳнат салоҳияти кўрсаткичи 121 кишига тенг деган хулосага келиш мумкин бўлади:

$$18+3+27+4+38+12+18+1=121 \text{ ёки } 101+20=121$$

Шундай қилиб, корхонанинг меҳнат салоҳияти ва у билан боғлиқ кўрсаткичларни аниқлаш йўлларини, уларнинг миқдори ва мазмуни жиҳатидан ўзаро фарқини аниқлаб олиш мумкин, деган хулосага келинди. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, жамият миқёсида меҳнат ресурси ва меҳнат салоҳияти бир-биридан ўзаро миқдор жиҳатидан фарқ қилади. Аммо, корхона миқёсида ушбу икки тушунча ўртасида аксарият ҳолатларда миқдор жиҳатдан ўзаро тенгликни кузатишимиз мумкин бўлади.

Бугунги кунда корхона меҳнат салоҳиятининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги мамлакатдаги ишчи кучи сифатининг ҳозирги ҳолати, ундан самарали фойдаланиш даражаси, инсон капиталининг инвестициялаш механизмларини ўз ичига олади. Бу борадаги мунозара ва илмий ёндашувларнинг ҳар хиллиги микро ва макро даражадаги меҳнат салоҳияти соҳасидаги илмий қарашларнинг янада тизимли бўлишига, табиий-иқтисодий салоҳиятнинг ижтимоий соҳа билан ўзаро бирликда қараш, фан ва технология, инновация жараёнлари билан ўзаро мувозанат муаммоларини янада чуқурроқ ўрганишга қаратилган.




2-расм. Корхона меҳнат салоҳиятини баҳолаш йўналишлари¹⁴⁴

¹⁴⁴ Pierre et al; "STEP Skills Measurement Surveys: Innovative Tools for Assessing Skills": World Bank 2013. маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Жаҳон тажрибаси амалиётига кўра корхона персоналининг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини таҳлил қилиш ва баҳолашда асосан когнитив, ижтимоий-ахлоқий ва техник малакаларнинг шаклланганлигига кўра ёндашувлардан фойдаланилади (2-расмга қаранг). Бунда когнитив ёндашувда инсоннинг фикрлаш доираси, турли масалаларга оид қарор қабул қила олиш маҳорати, илмий малака ва нутқ сўзлаш қобилияти каби сифатлари баҳоланади. Шахснинг одоби, ижтимоий келиб чиқиши (оила аъзоларининг маълумоти, уларнинг жамият ҳаётидаги тутган ўрни ва бошқалар), ўз-ўзини бошқара олиш, хиссиётларга берилмаслик каби жиҳатлари ижтимоий-ахлоқий баҳолаш орқали таҳлил қилинади. Инсоннинг техникавий малакалари эса ишлаб чиқариш воситалари, техника ва технологиялардан фойдалана олиш маҳорати, меҳнат фаолияти турли услубларни қўллаши каби индивиднинг касбий маҳоратларини ўзида акс эттиради.


Бундай баҳолаш амалга оширилганда корхона меҳнат салоҳиятининг ҳар бир манфаатдор субъект учун фойдалилик коэффициенти даражаси яққол намоён бўлади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, инсонлар, яъни ишчи кучининг ўзига хос жиҳати шундаки у инсоннинг бутун умри давомида ундаги меҳнат салоҳиятини шакллантириб боради ва бу келажак авлод қобилиятлари шаклланишига оила-жамиятдаги муҳит ва илм-фан ютуқларини тобора такомиллашиб бориши билан таълим тизими орқали ўзига яраша таъсир кўрсатади (3-расмга қаранг). Бугунги кунда инсонларга таълим бериш орқали улардаги фикрлаш қобилиятларини замон талабларига мослаштириш ўз навбатида оила ва жамият ҳаётига янги илм-фан ютуқларини кириб боришини жаддаллаштирибгина қолмай, келажакдаги ушбу оила ва жамият вакиллари бўлмиш ёш авлодга уларнинг ота-оналари, маҳалла-қўй, қўни-қўшни томонидан бериладиган тарбия, ҳамда таълим масканларидаги ўқитиувчилар берадиган таълим сифатларининг ўзгариши билан улардаги ишчи кучи сифатини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.



3-расм. Корхона меҳнат салоҳиятининг шаклланиши¹⁴⁵

Ишчи кучи сифатини яхшилаш ва унга йўналтирилаётган инвестицияларнинг кўлами ва самараси билан боғлиқдир. Бозор иқтисодиёти шароитида инвестицияларни тўғри йўлга қўйиш бўйича қарор қабул қилиш долзарб муаммо ҳисобланади. Инвесторлар (давлат, ташкилот, фирма, оила ва индивид) ўз пул маблағларини риск даражаси паст ва келажакдаги даромадларини оширишга аниқ ишонган тақдирларини сармоя сифатида киритадилар. Иқтисодий нуқтаи-назардан инвестициялар самарадорлиги келажакда мазкур капитал қўйилмасидан олинadиган даромад даражасига боғлиқ бўлади. Ишчи кучи сифатини оширишга йўналтирилаётган инвестицияларнинг самарадорлик даражасини тўғри баҳолай олиш муҳим аҳамият касб этади (4-расмга қаранг).

¹⁴⁵ Pierre et al; “STEP Skills Measurement Surveys: Innovative Tools for Assessing Skills”: World Bank 2013. маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган



4-расм. Корхона меҳнат салоҳиятини ошириш тамойиллари

Инвестицияларни йўналтириш бўйича қарор қабул қилишда асосан икки унсур, капитал қўйилмасидан кутилаётган харажат ва фойда даражаси қуйидаги босқичларда таҳлил қилинади:

I босқичда вақт омилини инобатга олган ҳолда (келажакда юз бериши кутилаётган инфляция даражаси) инвестициядан олинadиган фойда даражасини идентификациялаш амалга оширилади.

II босқич ўз ичига харажатларни идентификациялаш жараёнини олади. Бунда харажатларнинг давомийлиги ва вақт омилини (инфляция даражасининг ўзгариши) инобатга олиш зарур.

III босқичда эса юқоридаги икки босқичдан олинган натижалар ўзаро солиштирилади, яъни даромадлар ва харажатлар орасидаги нисбат баҳоланади.

Ишчи кучи сифатини яхшилашга йўналтирилган инвестициялар қайси йўналишда амалга оширилганлигига қараб ундан кутилаётган самара турли даражада бўлади. Яъни, инвестициялар соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, спорт каби турли ижтимоий соҳа объектлари фаолияти билан боғланган бўлиб, улар инсонга турлича таъсир кўрсатадилар. Мазкур инвестициялар пировард натижада микро ва макро даражадаги меҳнат салоҳиятига ўз ижобий таъсирини кўрсатади.

Аксарият ҳолларда, корхона бошқарувчилари томонидан меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда таълим

тизими орқали ишчи кучи сифатини яхшилашга ҳаракат қиладилар. Ушбу инвестицияларни мақсадли йўналтиришга оид қарор қабул қилишда мазкур жараёндан кутилаётган даромадлар ва харажатларнинг дисконт фоизлари орасидаги фарқни тўғри ҳисоблаш муҳим аҳамият касб этади.

Агар индивидуал дисконт ставкасини γ деб белгиласак, таълимнинг меҳнат салоҳияти самарадорлиги кўрсаткичига таъсири қуйидаги формулалар орқали ҳисобланади:¹⁴⁶

$$PVB = \sum_{i=s}^R \frac{B_i^b - B_i^a}{(1+\gamma)^i} \quad (3.1)$$

Бу ерда, PVB – кутилаётган даромадлар оқимини S муддат учун дисконтланган коэффиценти аниқланади.

Кейинги босқичда эса, PVC – кутилаётган харажатлар ҳажмини S муддат учун дисконтланган коэффиценти ҳисобланади.¹⁴⁷

$$PVC = \sum_{i=s}^U \frac{C_i}{(1+\gamma)^i} \quad (3.2)$$

Ушбу юқоридаги икки формулани умумлаштирган ҳолда, Дж. Минцер ишчи ҳодимларни малакасини ошириш бўйича самарадорлик коэффиценти ҳисоблаш учун қуйидаги моделни яратади:¹⁴⁸

$$\ln Y_i = \ln Y_0 + \beta_1 s_i + \beta_2 k_i X_i + u_i \quad (3.3)$$

Бу ерда:

β_1 – мажбурий таълимнинг самарадорлиги нормаси;

β_2 – меҳнат фаолияти давомида малака оширишнинг меҳнат унумдорлигига таъсири;

s_i – i ишчи ҳодимнинг ёши;

k_i – i интервалдаги малака оширишга сарфланган вақт улуши;

X_i – i ишчи ҳодимнинг k_i гача бўлган (малака ошириш даври) меҳнат стажи.¹⁴⁹

Юқорида келтириб ўтилган таълим хизматлари орқали мамлакатда меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш амалиёти бугунги кунда халқаро миқёсда амалга оширилаётган тадқиқотларда кенг қўлланилади. Жумладан, ушбу баҳолаш амалиёти ҳар қандай мамлакат учун хос бўлиб, таълим хизматларининг

¹⁴⁶ Sattinger, M. (1993). Assignment models of the distribution of earnings. Journal of Economic Literature, vol. 31 (2). pp. 831-880.

¹⁴⁷ Sattinger, M. (1993). Assignment models of the distribution of earnings. Journal of Economic Literature, vol. 31 (2). pp. 831-880.

¹⁴⁸ James J. Heckman. Introduction to The Distribution of Earning and of Individual Output, by A.D. Roy. The Economic Journal, 125 (March). 2015. – pp. 378-402. DOI: 10.1111/eoj.12226

¹⁴⁹ James J. Heckman. Introduction to The Distribution of Earning and of Individual Output, by A.D. Roy. The Economic Journal, 125 (March). 2015. – pp. 378-402. DOI: 10.1111/eoj.12226